

## XII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги  
маълумотлар базаси асосида шакллантирилди)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 31 815 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 30 882 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,1% ни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (34,2 %), Чуст (8,3 %), Наманган (7,0 %) ва Уйчи (6,6 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>31 815</b>	<b>100,0</b>	<b>30 882</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	10 865	34,2	10 430	33,8
Мингбулоқ	1 386	4,4	1 371	4,4
Косонсой	1 956	6,1	1 899	6,1
Наманган т.	2 227	7,0	2 181	7,1
Норин	1 490	4,7	1 478	4,8
Поп	2 000	6,3	1 959	6,3
Тўрақўрғон	1 987	6,2	1 931	6,3
Уйчи	2 104	6,6	2 046	6,6
Учқўрғон	1 821	5,7	1 784	5,8
Чортоқ	1 722	5,4	1 675	5,4
Чуст	2 636	8,3	2 548	8,3
Янгиқўрғон	1 621	5,1	1 580	5,1

**Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)



- |               |             |              |               |
|---------------|-------------|--------------|---------------|
| ■ Наманган ш. | ■ Мингбулоқ | ■ Косонсой   | ■ Наманган т. |
| ■ Норин       | ■ Поп       | ■ Тўрақўрғон | ■ Уйчи        |
| ■ Учқўрғон    | ■ Чортоқ    | ■ Чуст       | ■ Янгиқўрғон  |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг (29,4 %), саноат (21,2 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (8,2%) ҳамда қурилиш (7,4 %) соҳаларига тўғри келади.


**Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари иқтисодий фаолият турлари бўйича**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Жами</b>	<b>27 467</b>	<b>100,0</b>	<b>26 670</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 593	9,4	2 520	9,4
саноат	6 748	24,6	6 576	24,7
қурилиш	2 338	8,5	2 269	8,5
савдо	9 362	34,1	9 062	34,0
ташиш ва сақлаш	1 081	4,0	1 057	4,0
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 410	5,1	1 356	5,1
ахборот ва алоқа	440	1,6	427	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	548	2,0	539	2,0
бошқа турлари	2 947	10,7	2 864	10,7


**Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони**  
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича  
2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)



*Масъулияти чекланган жамият* 18 342



*Хусусий корхона*




***Масъулияти чекланган жамият***

*Масъулияти чекланган жамият деб, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамоат фаолияти билан бўлиб зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.*

*Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг доирасида солидар жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.*

**Оилавий корхоналар сони**  
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)




Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 1 002 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 469 тага ёки 1,9 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 968 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 445 тага ёки 1,9 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 509 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 280 тага ёки 2,2 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

**Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг**  
**ҳудудлар кесимида сони**  
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)




**Масъулияти чекланган жамиятлар сони**  
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)


Рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 18 342 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 4 180 тага ёки 129,5 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 17 936 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 4 020 тага ёки 128,9 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 4 634 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 687 тага ёки 117,4 % га ошганлигини кўриш мумкин.




**Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг ҳудудлар кесимидаги сони**  
(2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, бирликда)




2021 йил 1 январь ҳолатига кўра масъулияти чекланган жамиятларнинг асосий қисми Наманган шаҳри 6 894 та (жамидаги улуши 38,4 %), Уйчи 1 294 та (7,2 %), Поп 1 199 та (6,7% ), Наманган 1 178 та (6,6 %), Чортоқ 1 121 та (6,3 %), Косонсой 1 066 та (6,0 %), Чуст ва Янгикўрғон туманларида 954 тадан (5,3 %дан), Норин 904 та (5,0 %), Тўрақўрғон 868 та (4,8 %) ҳиссасига тўғри келади. Аксинча энг камлари Мингбулоқ 645 та (3,6 %), Учкўрғон 859 та (4,8 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги корхоналари жамига нисбатан улуши, *фоизда*



Фаолият кўрсатаётган саноат корхона ва ташкилотлари сони бўйича маълумотлар, *бирликда*




**Рўйхатга олинган фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	<i>Рўйхатга олинган</i>		<i>Фаолият кўрсатаётган</i>	
	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % да</i>	<i>бирлик</i>	<i>жамига нисбатан улуши, % да</i>
<b>Жами</b>	<b>31 815</b>	<b>100,0</b>	<b>30 882</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	2 619	8,2	2 545	8,2
саноат	6 749	21,2	6 577	21,3
қурилиш	2 341	7,4	2 271	7,4
савдо	9 366	29,4	9 065	29,4
ташиш ва сақлаш	1 082	3,4	1 058	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 412	4,4	1 358	4,4
ахборот ва алоқа	472	1,5	455	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	645	2,0	634	2,0
бошқа турлари	7 129	22,5	6 919	22,4



**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**





Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,1% ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,9% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққосланганда 0,4% га кўпайган.

**Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият  
кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, % да**

01.01.2020 йил

01.01.2021 йил




■ Фаолиятсизлар

■ Фаолият кўрсатаётганлар

2021 йил 1 январь ҳолатига 26 670 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 7 197 та, оилавий корхоналар – 968 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 17 936 тани ва 569 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.


**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**



2020 йил январь-декабрь ойларида жами 6 345 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 11,8 фоизга кўп ташкил этилган.

Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (1 498 та), Чуст (520 та), Поп (566 та), Наманган (462 та), ва Тўрақўрғон (487 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Мингбулоқ (346 та), Норин (373 та), Косонсой (375), Янгиқўрғон (388 та) ва Чортоқ (406 та) туманларига тўғри келади.


**Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар, бирликда**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият  
кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, бирликда  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**



**Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва  
ташкилотлар тўғрисида маълумот, бирликда**




**Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхона  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,1 %, саноатда 24,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 14,3 %, қурилишда 6,9 % ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2020 йилнинг январь-декабрь)**



2021 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 26 531 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2019 йил мос даврига нисбатан 23,6 % га ошган.

2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган оилавий  
корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши

39,3 %



*Саноат*

14,3 %



*Қишлоқ, ўрмон ва  
балиқчилик  
хўжалиги*

29,7 %




*Савдо*

11,4 %



*Яшаш ва  
овқатланиш бўйича  
хизматлар*

3,7 %



*Бошқа турлар*

0,6 %



*Ташини ва сақлаш*

0,6 %



*Ахборот ва алоқа*

0,4 %



*Соглиқни сақлаш ва  
ижтимоий хизматлар*


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 9 146 таси (жами субъектларнинг 34,5%) Наманган шаҳрига, 2 205 таси (8,3 %) Чуст, 1 941 таси (7,3 %) Наманган ҳамда 1 777 таси (6,7 %) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 1 121 таси (4,2 %) Мингбулоқ, 1 224 таси (4,6 %) Норин, 1 295 таси (4,9 %) Янгиқўрғон, 1 417 таси (5,3 %) Чортоқ, 1 500 таси (5,7 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
ҳудудлар бўйича сони**

	2020 йил 1 январь ҳолатига		2021 йил 1 январь ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>21 461</b>	<b>100,0</b>	<b>26 531</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	8 082	37,7	9 146	34,5
Мингбулоқ	854	4,0	1 121	4,2
Косонсой	1 280	6,0	1 629	6,1
Наманган т.	1 616	7,5	1 941	7,3
Норин	902	4,2	1 224	4,6
Поп	1 128	5,2	1 615	6,1
Тўрақўрғон	1 290	6,0	1 661	6,3
Уйчи	1 352	6,3	1 777	6,7
Учқўрғон	1 126	5,2	1 500	5,7
Чортоқ	1 086	5,1	1 417	5,3
Чуст	1 754	8,2	2 205	8,3
Янгиқўрғон	991	4,6	1 295	4,9

Фаолият кўрсатаётган жами 26 531 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 9 034 таси (34,1 %) - савдода, 6 525 таси (24,6 %) - саноатда, 2 507 таси (9,4 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида, 2 261 таси (8,5 %) - қурилишда, 1 355 таси (5,1 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 1 053 таси (4,0 %) - ташиш ва сақлашда, 534 таси (2,0 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 427 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2 835 таси (10,7 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўришиб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келади.


**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**





2020 йил январь-декабрь ойларида жами 6 202 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,9 фоизга кўп ташкил этилган. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (1 437 та), Поп (552 та), Чуст (507 та), Тўрақўрғон (485 та), Уйчи (488 та) ва Наманган (453 та) туманларига, энг кам ташкил этилганлари эса, Мингбулоқ (339 та), Норин (364 та), Косонсой (369 та), Янгиқўрғон (382 та) ва Чортоқ (404 та) туманларига тўғри келади.

**2020 йил январь-декабрь ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, бирликда**




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (2 480 та), саноатда (1 519 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (899 та), қурилишда (438 та) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (242 та) ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (99 та), ахборот ва алоқада (102 та) ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда.

Жумладан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,9 % ни (783 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 210 тага кўпайган.

Ҳисобот даврида 940 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 393 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 41,8 %) қўшиб олиш орқали тугатилган.

**Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да  
(2020 йил январь-декабрь)**



**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2021 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 260 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 40 тага ёки 18,2 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 167 таси қўшма корхоналар, 93 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналар сони, бирликда**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)



**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони, бирликда**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)



Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 77 та (29,6 %), Поп 265 та (10,0 %), Косонсой 27 та (10,4), Чуст 21 та (8,1 %), Чортоқ 20 та (7,7 %), Тўрақўрғон 19 та (7,3 %), Уйчи 17 та (6,5 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида корхоналар Мингбулоқ 7 та (2,7 %), Учқўрғон 8 та (3,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуши % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>260</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	77	29,6
Мингбулоқ	7	2,7
Косонсой	27	10,4
Наманган т.	16	6,2
Норин	10	3,8
Поп	26	10,0
Тўрақўрғон	19	7,3
Уйчи	17	6,5
Учқўрғон	8	3,1
Чортоқ	20	7,7
Чуст	21	8,1
Янгиқўрғон	12	4,6


Фаолият кўрсатаётган 260 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 142 таси (54,6 %) саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 33 та (12,7 %), 32 та (12,3 %) савдо, 12 таси (4,6 %) қурилиш, 10 таси (3,8 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 8 таси (3,1 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3 таси (1,2 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 20 таси (7,7 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
<b>Жами</b>	<b>260</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	33	12,7
саноат	142	54,6
қурилиш	12	4,6
савдо	32	12,3
ташиш ва сақлаш	3	1,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	3,1
ахборот ва алоқа	-	-
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	10	3,8
бошқа турлари	20	7,7

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши, % да**  
(2021 йилнинг 1 январь ҳолатига)



2020 йил январь-декабрь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 48 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41 тага камайган ёки 53,9 фоизни ташкил қилган.

Бунда, Туркия Республикаси – 13 та, Россия Федерацияси – 6 та, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикалари – 5 тадан, Қозоғистон Республикаси – 3 та, Япония, Қирғизистон Республикалари – 2 тадан, бошқа давлатлар билан 14 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Вилоятдаги 48 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар (10 та), Поп (8 та), Наманган (7 та), Косонсой (5 та), Тўрақўрғон ва Чортоқ (4 тадан), Учқўрғон ва Чуст (3 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Норин туманида ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
худудлар кесимидаги сони ва улуши  
(2020 йил январь-декабрь)**


	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>48</b>	<b>100,0</b>
Наманган ш.	10	20,8
Мингбулоқ	2	4,2
Косонсой	5	10,4
Наманган т.	7	14,6
Норин	-	-
Поп	8	16,7
Тўрақўрғон	4	8,3
Уйчи	1	2,1
Учқўрғон	3	6,3
Чортоқ	4	8,3
Чуст	3	6,3
Янгиқўрғон	1	2,0

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 27 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 10 та, савдода 6 та, қурилиш, ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларлар кўрсатиш ва бошқа хизматларда 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**  
(2020 йил январь-декабрь)



**2020 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда**



**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони, 2021 йил 1 январь ҳолатига 1 002 тани ташкил этиб, улардан 968 таси ёки 96,6 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 88,0 % га ошганлигини таъкидлаш мумкин.